
Малик Муродов
Хожиакбар Шайхов
ҲАЁТБАХШ
ХАЁЛЛАР

вчи кўприк вазифаларини ўтайдики, образли айтган-
пойдеворлари бир хил бўлган бу кўприклар давр-
р ўтган сари янгича шакл ва кўриниш касб этавера-
. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан, бадиий фантази-
аслида ҳозирги замон адабий услубида ёзилаётган
бадиий ҳамда маълум меъёрдаги илмий мушоҳада-
р синтезидан иборат ўзимизнинг қадимий афсона ва
такларнинг яна ҳам юқорироқ поғонага кўтарилган
мда замонавий руҳ билан суғорилган кўринишидир,
ган хулоса келиб чиқади.

Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,

Ҳаргиз эй, хом одам, бўлмадинг инсон.
Чиқиб энди сен ҳам кезгил жаҳонни,
Бўшаб қолмасидан сендан бу жаҳон.

Саъдий Шерозий.

ҚАНОТЛИ САЁҲАТЛАР

Ўзбек халқ эртаклари ва афсоналарининг квинтэс-
енцияси, яъни туб моҳиятини лўнда ифода қилиш ло-
им бўлса, қуйидагини айтиш мумкин: эрк ва ҳақиқатга
нтилган инсон олис саёҳатга отланади. Ҳар қандай
айриоддий шароитда ҳам маҳбубасининг висолига
тиш ёки ўзгаларга яхшилик қилиш йўлида мардлик ва
касорат кўрсатади. Қисқаси, эртак ва афсоналарда
нсон дуч келадиган ажойиб ва ғаройиб воқеа-ҳодиса-
ар, унинг кузатувчанлиги, топқирлиги, ёвуз кучларга
қарши кураши, ва ниҳоят, ўз-ўзига ишонч ва эътиқоди
ҳамда барча одамларга хос бўлган чин инсонийлиги
ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу фикримиз айни чоғда фақат эртак ва афсонала-
ргагина эмас, балки қатъий реалликдан уйдирма, хисси-
ётларга нисбатан мантиқий мушоҳада, оддийликдан
ғайриоддийлик устунроқ турган барча эпик достонлар,
илмий-фантастик ва саргузашт қисса ва романлар ҳам-
да адабиётнинг бошқа жанрларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳар бир ўзбек халқ эртак ва афсонасида ўзининг тўрт девор орасидаги уйи — тор дунёсидан оламни билиш учун озодлик ва кенгликларга интилган бола ёки ёш йигит ота-онасидан розилик олиб саёҳатга отланади. Унинг саёҳатга жўнашига аксарият ҳолларда ё ота-онасининг бирор илтимосини бажо келтириш, ё номаълум мамлакатда яшовчи гўзал маликанинг висолига етишиш, ё бўлмаса, ўзга юртга кетган ака, ука, опа ёки синглисини топиб, уларни оғир аҳволдан қутқариш истаги сабаб бўлади. Ота-онасининг бағрида вояга етган боланинг ўзи ўрганган кундалик, бир хил ва зерикарли ҳаётдан воз кечиб, узоқ сафарга отланиши у кўрсатажак жасоратларининг дебочасидир. Хуллас, саёҳат ва саргузаштларга интилиш эртакларнинг бош лейтмотивини ташкил этади. Зотан қаҳрамон дунёнинг чеккаси — олис ўлкаларга саёҳат қилмасдан, уларнинг турли сир ва хавф-хатар булутлари билан чулғанган хаёлий оламини билмасдан туриб ўз ота кулбасининг қадрига етиши амримаҳол.

Фарзанд дунёга келган ҳар бир хонадон, ҳар бир кулба ёки уй — катта топилма ва курашларда эришилган маълум ғалаба. Лекин фарзанд учун бу — бегона топилма, ота-онасига тегишли ғалаба. Эртак қаҳрамони — тиниб-тинчимас навқирон йигит олам кезиб, ялмоғиз, жодугар ва дев-аждарҳоларга қарши аёвсиз курашларда ана шундай ўз кулбасини қўлга киритишни истайди ва бу истак уни олис ва сирли саёҳатга чорлайди.

Ўзбек ва бошқа халқларнинг эртак ва афсоналарида ниҳоятда кенг тарқалган саёҳат мотивининг илдизи мифларга бориб туташади. Бинобарин, саёҳат ўзбек мифологиясида ҳам етакчи мотивлардандир.

Маълумки, миф — ибтидоий одамнинг синкретик характердаги эътиқоди ва тасаввурларининг онгсиз-бадиий инъикосидир. Рус фольклоршунослигида мифлар эртак ва афсоналарнинг юзага келишига асос бўлибгина

қолмасдан, бевосита афсоналарга айланган исбот қилинган. Бунда у географик маънода жойларнинг номи, оила ва ўтмиш замона билан боғлиқ ҳаётий деталлар билан бойитилган. Бу фикрни ўзбек мифлари учун ҳам тўла тааллуқли дейиш мумкин. Масалан, «Сухроб ва Мизроб» эртагининг асосида қадимий тотемистик миф ётади. Эртакда балиқчи ўғли Мизробнинг саёҳати ҳақида гап юритилади. Мизроб овлаган балиғини озодликка қўйиб юборади. Бунинг эвазига балиқ болага катта ёрдам кўрсатади. Унинг дев ўғирлаб кетган синглисини озодликка чиқариб, йигитнинг ўзи севган қизга уйланишига ёрдамлашади. Мизроб бахтини топади. Бу ерда биз балиқ тотеми ҳақидаги мифнинг кейинги даврга хос хусусият ва белгилар билан бойитилганини кўрамиз.

Аксарият ҳолларда эса, миф фольклор ёхуд у ёки бу бадиий асар таркибига алоҳида новелла сифатида киритилади. «Ҳасан ва Ҳурлиқо» эртаги таркибига кирган («Сув қизи», фантастик эртаклар, Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.) мифологик мотив фикримизнинг далили бўла олади. Эртакнинг асосий сюжети Зулайҳо, кейин синглиси Ҳурлиқони уйдан ҳайдаб чиқарилиши ҳақида. Зулайҳо Ҳурлиқонинг қўлларини чоптириб ташлашга эришади. Ҳурлиқо подшонинг ўғлига турмушга чиқади. Лекин аёлни икки боласи билан у ердан ҳайдаб юборишади. Йўлда у ухлаб қолади ва тушида Хизрни кўради. У аёлга чопиб ташланган қўлларини келтиради ва Ҳурлиқо яна аввалги соғлом ҳолига қайтади.

Хизр ҳақидаги манизм[1] билан боғлиқ қадимий миф эртак таркибига алоҳида новелла тариқасида киритилган ва у эртак якунида асосий конфликтни бартараф этиш учун хизмат қилади. Бу ерда мифнинг асосий вазифаси — яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси ва

1 Манизм — аждодлар ёрдами.

ҳаққоният тантанасига омил яратиш. Аксарият ҳолларда бу турдаги эртакларда миф етакчи мотив роли ўйнайди.

«Оймомада аждарҳо» тўпламига кирган «Сув бо номли эртакда ҳам қаҳрамон отасини излаб саёҳат отланади. Бу ерда биз денгиз таги, ер ости ва ер ус дунёлари билан боғлиқ ҳамда фетишистик[1] мифлард фойдаланилганини кўрамиз. Аёл кишининг кўлда чўл лиши оқибатда ҳомиладор бўлиб қолиши ўзбек миф рида кенг қўлланилувчи анимистик мотивлардандир Эртакдаги ялмоғиз, ит, мушук, ҳумойи, семурғ разлари ҳам тотем белгилари тариқасида генетик ж ҳатдан мифлар таркибидан келиб чиққан.

Рус фольклоршуносларидан Е. Мелетинскийнинг таъкидлашича, архаик эпосларнинг ҳам асосий манба қаҳрамонлик эртаклари ва қўшиқлари билан бир мифлар ва дастлабки аждодларимиз ҳақидаги афсон лардир. Олимнинг фикрича, архаик эпосларга хос бў ган мифологик фигуралар ва улар келтириб чиқарга демонологик персонажлар мифлар таъсирида пайд бўлишган[2].

Умуман, ўзбек халқ достонларида кўпгина фанта тик мотивларнинг қадимий мифлардан олинганлиги и ботталаб гап эмас. Хусусан, архаик мифологияда дора вор ўтларнинг муқаддаслиги, уларнинг инсон организм ва руҳиятига кўрсатадиган бениҳоя катта таъсир ку ҳақидаги гояга дуч келиш мумкин. Мазкур мотив, ма салан, «Алпомиш» достонида ўзининг бадиий ва гипер болизациялашган ҳолдаги мужассамини топган.

Ултон лодшонинг Алпомишни жон-дили билан севи қолган қизи Товка ойим қаҳрамонни зиндондан қутқа

[1] Фетишизм — бирор нарсага кўр-кўрона ишониш, сиғи ниш.

[2] Е. М. Мелетинский. Поэтика мифа. М., 1976, стр. 269 270—271.

риш учун шоҳнинг отхонасига боради ва исириқ ўт тутатади. Исириқ тутуни Бойчиборнинг димоғига етиб боради-ю, бир зумдаёқ тулпорнинг дили ёришиб кетади. Шу тариқа хушбўй ўт ёрдамида Бойчибор бамисоли бошқатдан туғилгандай бўлади. От Алпомишнинг тирик эканлигини дарров сезади. Негаки, унинг эгаси олис йўлга доимо ўзи билан қуритилган исириқ олиб юришга одатланган эди.

Тутаган ис бориб Чиборга етди.
Отнинг кўнгли анча равшан бўлибди,
Кўнглида Ҳакимбек келгандай бўлиб,
Ерга солган бошин баландга олиб,
Бу таблада товлаб ҳайвон кишнади,
Гулу занжир майда-майда бўлади.

Миф билан афсонанинг ўзаро чатишганлиги Алпомишнинг қутқарилишида ҳам аниқ кўзга ташланади:

Бекнинг оти бир оғанаб турибди,
От қуйруғи боз қирқ қулоч бўлибди.
От қуйругин у зиндонга солибди,
Ҳакимбек белига бойлаб олибди.
Жонивор зўр уриб шу замон тортди,
Ҳакимбек бир зумда зиндондан чиқди.

Ёвузлик ва айёрлик тимсоли бўлган Суханл кампирнинг образида ҳам мифологик хусусиятлар оз эмас. У аслида мифлардаги ялмоғиз ёки жодугарнинг бадиий тус берилган образи бўлиб, Алпомиш унинг найранг ва қилмишлари туфайли душманлар қўлига асирликка тушиб қолади.

Ботирнинг зиндондан қутқарилишида катта роль ўйнаган гоз образининг мифологик келиб чиқишга эга эканлиги ҳам аксиомадир. «Э, жонивор, Қўнғирот элдан келдингми? Ҳумойдай менга соя солдингми?» сўрайди Алпомиш асирликда ўтираркан. Гоз айлана бўйлаб учиб, зиндонга қулаб тушади. Ботир гознинг яралари тузалиб кетмагунча зиндонда у билан кўп кунларини бирга ўтказади. Гоз тузалгач, Алпомиш ўз юртига мак-

туб ёзиб, қушнинг қаноти остига боглаб қўяди. Инсон гапини тушунадиган қуш ботирдан топшириқ олгач, унинг она юртига учиб кетади ва қатор тўсиқларни енгиб, мактубни белгиланган манзилга етказади.

Достондаги қатор фантастик ва мифологик мотивларнинг ўзаро диффузияси, яъни чатишиб кетганлиги тасодифий ҳол эмас, албатта. Зеро бу «Ёдгор», «Рустам», «Муродхон», «Фарҳод ва Ширин» сингари анъанавий достонларга ҳам хос хусусиятдир. Бу турдаги достонларнинг аксарияти учун ҳақиқатнинг афсона билан, ҳаётий фактнинг бадиий уйдирма билан қоришган ҳолда талқин қилиниши характерли ҳолдир. Мазкур асарларда фантастик тасвирлар аксари ҳолларда гипербола ёки метафора вазифаларини ўтайди. У конфликтли ситуацияларни кучайтириб, сюжет йўналишига кескинроқ тус беради, бу билан достон қаҳрамонларининг фаолият майдонини бамисоли янада кенгайтириб, мардлик ва ватанпарварлик кўрсатишлари учун мислсиз омиллар яратади.

Шу тариқа кўринадики, саёҳат ва саргузашт билан боглиқ барча эртак, афсона ва достонларда кўпчилик мифларнинг сюжетлари ёки уларга хос белги ва хусусиятлар эртак ёки достонга трансформация бўлиб ўтар экан, ўз мустақилликларини сақлабгина қолмасдан, балки янги тарихий шароитда янгича шакл ва мазмун касб этишлари ҳам мумкиндир.

Саёҳат мотиви айни пайтда миф ва халқ оғзаки ижоди орқали классик ва ҳозирги замон ўзбек адабиётига ҳам кенг тармоқ ёзиб кирган. Чунончи, буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг «Хамса»сида қаҳрамонлар олис ўлкаларгагина эмас, балки сув ости ва ер ости дунёларига ҳам сафар этишади.

«Илон пари» тўпламига кирган эртакларда ҳам саёҳат ва саргузашт мотиви етакчи ўрин тутади. Уларда чол-камбирнинг ёлғиз ўғли, уч ака-ука ёки гўзал қиз бошларидан ажойиб ва гаройиб синовларни ўтказиш

ўлкада узоқ сафарларга чиқишади. Чунончи, «Анқо қуш» номли эртакда Маъмуржон исмли йигит подшонинг йўқолган қушини излаб йўлга отланади ва не-не машаққатларга дуч келади. «Сеҳрли личоқ» эртагида отасининг васиятига амал қилган кенжа ўғил Боботоғда истиқомат қилувчи темиргар устани қидириб кетади. Ундан сеҳрли пичоқни олгач, яна кўпдан-кўп саргузаштларни бошидан кечириб, мурод-мақсадига эришади.

Саёҳат воситалари эртак ва афсоналарда ранг-баранг ва турли-тумандир. Ўзбек халқ фольклор асарларида саёҳатга отланишнинг энг яхши йўли яёв юришдир. Аксарият ҳолларда қирқ ёки етмиш йиллик йўлга тулпор отлар воситасида учиб борилади. Баъзан эса, олис сафар машаққатларини демонологик образлардан бўлмиш девлар ва жодугарлар енгиллаштиришади. Улар эртак қаҳрамонларини елкаларига миндириб олишлари ё бўлмаса, уларни олма, соққа ёки парга айлантириб, қўйинларига солган ҳолда кўзлаган манзилларига етказишлари мумкин. Эртак қаҳрамони тортажак йўл азобига одамзоднинг у ёки бу яхшилигига яхшилик билан жавоб беришга қарор қилган бўрилар, оҳулар, арслон, йўлбарс, туя, филлар ҳам шерик бўлишлари, ўрмонда ёки дашт-биёбонда адашган саргузашт мутасаддисини елкаларига миндириб, ўз маконларининг чегарасигача кузатиб қўйишлари мумкин.

Саёҳатга чиқишнинг яна бир йўли сафарга кетаётган қаҳрамоннинг бирор чуқур ёки қудуққа тушиб кетиш мотивидир. Бунда у тамомила бошқа дунё — ер ости оламига тушиб қолади ва шу ернинг ўзидаёқ кўпдан-кўп антиқа саргузаштларнинг гувоҳи бўлади. Масалан: «Минг бир кеча»да қаҳрамон юриш таъқиқланган жойдан ўтаётиб хазина тўла ғорга йиқилиб тушади. Ёки «Қора дев» тўпламига кирган «Кенжа ўғил, сирли шамшир ва қумурсқа» эртагида чолнинг катта ўғли ҳўкизни қўшга қўшиб, кечгача ер ҳайдайди. «Бир пайт ерни ҳайдаб, хаёлга ботиб, шудгордан чиқиб кетганини

ҳам сезмай» қолади. «Шудгорнинг четида бир эски қудуқ» бўлиб, ҳўкиз омоч-помочи билан унга тушиб кетади. Уни ушлаб қоламан деган бола ҳам қудуққа қулайди. Шу тариқа у ер остидаги девлар маконига тушиб қолади. Кечаси уйга қайтмаган акасини қидириб ўртанча ўғил шудгорга келади. У ҳам қоронғида қудуққа ағдарилиб тушади ва девларнинг асирига айланади. Ака-укаларнинг ер остидаги саргузаштлари кенжа ўғилнинг қудуққа тушуви ва акаларини қутқариб, ер юзасига олиб чиқиши билан якунланади.

Саёҳатга отланишнинг тағин бир қатор — мифологик, сеҳрли ва фантастик усуллари ҳам мавжуд. Унда у ёки бу эртак қаҳрамони олис йўлларни ғайриоддий буюм ёки сеҳр воситасида босиб ўтади. Чунончи, «Ҳўриой» номли эртакда қизга бир дарвеш зумрад кўзли тилла узук совға қилади. Узук ғайриоддий хусусиятларга эга: «Уни ўнг қўлингга тақиб кўзига қарасанг, бутун жаҳонни кўрасан. Кейин олиб бор деган жойингга олиб боради». Хуллас, узук сеҳрли ва унинг ёрдамида истаган жойга саёҳатга бориш мумкин. Бунда узук дастлаб думалаб йўл кўрсатади, йўлга чиққач, асбоблари тиллодан, тақалари кумушдан тулпор от пайдо қилади-да, унинг воситасида эгасини кўзлаган манзилга элтади. Айни пайтда узук фақат нақлиёт вазифасинигина ўтаб қолмасдан бошқа сеҳрли хусусиятга ҳам эга: «Кимдаким ёмон ниятда уни тақкан кишига ёндашмоқчи бўлса, ёмонлик қилмоқчи бўлса, у ўзини тақкан кишини кўрсатмас эди».

Сеҳрли буюмлардан учар гилам, ёғоч от ва супурги эртак ва афсоналаримизда кенг тарқалган саёҳат воситалари эканлиги энг ёш эртаксеварларга ҳам яхши маълумдир.

Саёҳатга чиқишга омил яратадиган яна бир мўъжизали восита — сеҳрли телпакдир. («Қора дев» тўпламидаги «Сеҳрли телпак» эртагига қаранг.) Телпакнинг хосияти шундан иборатки, уни «кийиб ниманки мақсадинг бор — айтсанг, бажаради». У аввало бошига кийган одамни кўзга кўринмайдиган қилиб қўйиши, баъзан эса очил-дастурхондай овқат тайёрлаши, кўринмас газандага айланиб, душманнинг жазосини бериши, йўқ жойдан қўш ҳўкиз ва омоч пайдо қилиши билан бирга гоҳи учар гиламга ўхшаб «узоқ-узоқларга учириб олиб бориб ўйнатиб» келиши ҳам мумкин. Телпак уни кийган одамни кўз очиб-юмгунча истаган манзилига етказиб қўя олади. «Сеҳрли телпак» эртагида унинг сеҳрли хусусиятлари қаҳрамон оғир аҳволда қолганида намоён бўлади ва аксарият ҳолларда уни ўлимдан қутқариб қолади. Лекин шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, қаҳрамон образининг тўлақонли бўлишида сеҳрли телпак ёрдамчи мотив ролини ўйнайди, холос. Чунки бола жуда кўп оғир ситуацияларда асосан ўзининг меҳнатсеварлиги, ақл-заковоти ва зукколиги туфайли адолат тантанасига эришади ва энг фавқулодда ва қалтис ҳолатлардагина телпакнинг қудратига таянади.

Сеҳрли пичоқ, гавроп, калтак, ҳуштак, шамшир ва ўқ-ёйлар ҳам эртак ва афсоналарда баъзан қаҳрамоннинг олис йўл азобларини енгиллаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Масалан, «Сеҳрли пичоқ» эртагида Боботоғдаги ғорларнинг бирида истиқомат қилувчи темирчи бобога шогирд тушган кенжа ўғил устадан ажойиб совға — гаройиб услубда тоблаб ясалган пичоқ олади: «Буни эҳтиёт қил, жуда хосиятли пичоқ,— дейди бобо,— олов билан сувнинг ўғли бу. Унга яхши гапирсанг, ўзингга дўст деб билиб, ундан мадад сўрасанг, айтган нарсангни бирпасда бажаради»... Пичоқ ўз эгасини истаган олис жойга олиб бориб қўя олишидан ташқари яна бир қатор қимматларга эга: қаҳрамон овқатланишни истаса, бир зумда «юз хил нозу неъмат терилган дастурхон» пайдо қилади. Унинг йўлида «тулки ёки илон уёқда турсин, орасидан пашша ҳам учиб ўтолмас чангалзор» учраса, пичоқ чангакларни кесиб бир лаҳзада йўл очади. Тоққа дуч келишганда эса у

тоғни чўқиб, «ҳар чўқиганда сандиқдай-сандиқдай тошларни ҳар томонга учириб», тоғ бағридан лахм ковлайди. Ёввойи ҳайвонлар чиқса, «қувгандан-қувиб уларнинг ҳам жазосини беради». Хуллас, пичоқ ниҳоятда «универсал» хусусиятларга эга бўлиб, сеҳр воситасида у бажара олмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

«Ҳаёт гули» номли эртакда эса, қаҳрамоннинг олис йўлларни босиб ўтишига оддий гаврон кўмаклашади. У «чир-чир» этиб осмону фалакка кўтарилиб, устига минган эгасини «кўз очиб-юмгунча» манзилига элтади. «Абдуқодир, Вов-вов, Миёвкал» эртагида эса фантастик мотив ролини мўъжизакор ҳуштак ўтайди. Ҳуштакнинг хосиятлари ҳам жуда кўп ва юқорида зикр қилинган пичоқ сингари ўз эгасини олис манзилларга етказишгина қолмасдан, унинг истаган буйруғини ижро эта олишга қодир. У ҳатто магик хусусиятга, яъни ўлган одамни қайта тирилтириш қудратига ҳам эга.

Лекин бу ерда яна таъкидлаб ўтишимиз лозимки, эртаклардаги сеҳрли пичоқ, гаврон, телпак ёки ҳуштак сингари буюмлар билан боғлиқ жами мотивлар, ҳар қандай фантастик мотив сингари, эртак сюжетининг ўзагини ташкил қилмайди. Айни чоғда мазкур сеҳрли нарсалар ўқувчининг фантазиясини «қитиқлаш» ёки унга кўпроқ эрмак бўладиган «олди-қочди» воқеаларни юзага келтириш воситалари ҳам эмас. Йўқ. Мазкур саёҳат воситалари билан боғлиқ фантастик мотивлар инсоннинг қаҳрамонлик фаолиятини, эзгулик, адолат, чин муҳаббат тантанаси йўлидаги матонат ва жасоратини янада кучайтириб, худди микроскопдан ўтказгандай қабартириб кўрсатувчи адабий приёмдир. Бинобарин, бу ерда биз фантастик ва реалистик мотивларнинг ўзаро уйғунлашган ҳолда бир мақсадга — инсон ва унинг ақл-заковати-ю, куч-қудратини улуғлашга қаратилганини кўрамиз.

Қаҳрамонларнинг узоқ юртлар ёки олис сайёраларга сирли саёҳатлари билан боғлиқ ҳозирги замон илмий-фантастик ва саргузашт асарларига назар солсак, уларда ҳам фантастик ва реалистик мотивларнинг худди эртаклардагидай ўзаро уйғунлашган ҳолда юқорида зикр этилган мақсадга қаратилганининг гувоҳи бўламиз. Албатта, бу уйғунлик энди бошқачароқ шакл ва услубларда талқин қилиниб, сифат нуқтаи-назаридан юқорироқ босқичга кўтарилган бўлади. Бинобарин, мазкур тоифадаги асарларда қаҳрамонларнинг олис ўлка ёки сайёраларга саёҳатлари аксарият ҳолларда замонавий фан ва техника ютуқлари асосида амалга оширилади. Чунончи, Жюль Верннинг кўпгина илмий-фантастик ва саргузашт асарларида саёҳат воситалари сифатида ҳаво шарлари, дирижабллар, сув ости батискафлари ёки «Ноутилус» сингари сув ости кемалари хизмат қилса, атоқли рус фантасти Иван Ефремовнинг «Андромеда туманлиги» романида, Александр Беляевнинг қатор асарлари, ўзбек фантаст-ёзувчиларидан Тоҳир Маликнинг «Сомон йўли элчилари» қиссаси ва Абдуҳаким Фозиловнинг айрим ҳикояларида асар персонажлари ўзга оламларга кибернетика, электрон ва позитрон қурилмалар билан жиҳозланган ниҳоятда мураккаб космик кемаларда сафарга чиқишади.

Илмий-фантастик асарларда саёҳатга чиқишнинг, худди эртаклардагидай, сеҳрли усуллари ҳам оз эмас. Лекин уларда ўша сеҳрли усуллар чўпчаклардагидай афсонавий тусда талқин қилинмай, аксарият ҳолларда мантиқ нуқтаи-назаридан ўқувчини ишонтирадиган даражада илмий асосланган бўлади. Масалан, Тоҳир Маликнинг «Фалак» номли қиссасида асар қаҳрамонлари ўтмишга сафар қилиб, ўрта асрларнинг буюк алломалари билан «Элаллома» номли мураккаб тузилишли электрон қурилма ёрдамида мулоқотга киришишади. Умуман, ҳозирги замон илмий-фантастик ва саргузашт асарларида саёҳат усуллари турли-туман ва бу усулларни асар муаллифлари ўз эвристик қобилиятлари имкон берган даражада турлича савияда асослашга

нитилишади. Бундай илмий ва мантиқий асослашларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда муваффақиятли чиқаверади дейиш ҳақиқатга яқин гап эмас, албатта.

Саёҳат ва саргузашт билан боғлиқ илмий фантастик ва саргузашт асарларга эртак ва афсоналар таъсирида, сўнггиларига эса, мифлар таъсирида кириб келган фантастик мотив ва элементлар масаласига келсак, «Илон пари» тўпламида улар ўз ифодасини топган. Мисол тариқасида «Гулуялар билан Қаландарбек» эртагини олсак, эртак персонажларидан Гулхумор пари сингланси Гулуяларнинг севгилиси, Қора дев осмонга отиб ўлдириб қўйган Қаландарбекни одамни тирилтириш хосиятига эга бўлган гулни ҳидлатиш йўли билан қайта ҳаётга қайтаради. Дунёдан абадий кўз юмган кишини ҳаётга яна қайтариш мотиви ўзбек мифларига хос бўлиб, бу ерда мифологияда «табиатни ўлдириш ва тирилтириш худоси»[1] саналган Сиёвуш ҳақида эслаш ўринлидир. Ҳозирги фантастик адабиётимизда эса, Тоҳир Маликнинг мазкур мотивдан унумли фойдаланилган «Тириклик суви» номли ҳикоясини эслаб ўтишимиз кифоядир. Ҳикоя қаҳрамони Ўрта Осиёнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино саҳрода адашиб юриб, ғайриоддий бир шароитда ажойиб тиббий модда кашф қилади ва унинг ёрдамида ўлган аёлни қайта ҳаётга қайтаради. Биз юқоридаги миф ёки эртакда фантастик мотивни мантиқий асослашга ҳеч қандай уриниш йўқлигини пайқаганимиз ҳолда, фантаст-адиб бунга аниқ кўл урганини кўрамиз. Яъни унинг ҳикоя қилишича, антика тиббий дори ғайриоддий шароитда турли-туман ўт-гиёҳларнинг ниҳоятда мураккаб кимёвий реакцияга киришуви натижасида бунёд қилинган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, инсон тафаккурининг ҳар учала маҳсулида

[1] Г. А. Федоров-Давыдов. На [illegible] античного мира. М., 1975, стр. 69.

ҳам бу кашфиёт бир хил олижаноб мақсадга — инсонга қайта ҳаёт ато этиш учун хизмат қилади.

Атоқли тадқиқотчи В. Вундт ўзининг «Фантазия — санъат асоси» номли илмий асарида поэтик образ билан мифнинг ўзаро алоқаси ҳақида тўхталиб, поэзияда тасаввурнинг оддий ўйини сифатида тан олинган нарса мифда ҳақиқат деб қабул қилинишини таъкидлаб кўрсатади. В. Вундтнинг фикрича, мифологик фантазия умуман инсон фантазиясидан кескин фарқ қилмайди. Мифологик фантазиянинг характерли хусусияти шундаки, унда у ёки бу объект жонли мавжудотдай талқин этилади.

Мифик онгнинг илк босқичида жонли табиат қўйнида одам ва ҳайвон ўртасига аниқ чегара қўйиш мумкин эмас эди. Е. М. Мелетинскийнинг ёзишича, баъзи мифлар қуйидагича сўзлар билан бошланган: «Бу ҳодиса ҳайвонлар ҳали одамлар қиёфасида бўлган кезларда юз берган»[1]. Бу ҳол ўз навбатида миф қаҳрамонининг зооантропоморфик (ярим одам-ярим ит, ярим одам-ярим балиқ ва ҳоказо) кўринишда бўлишини тақозо этган. Бу, албатта, биринчи навбатда ҳам маълум ҳайвонлар тури, ҳам одамзод қабиласи учун бир хилда тотем, яъни яратувчи билан боғлиқ тотемистик мифларга тааллуқлидир. Мифларда инсон қиёфасининг ўзгариб туришини ҳали тўла эврилиш[2] деб аташ қийин эди. Бу — изчил метаморфозага айланиш йўлидаги уриниш эди, холос. Изчил эврилиш кейинроқ, асосий жанр хусусияти сифатида эртак ва афсоналарда ёркинроқ намоён бўлади. (Ялмоғиз кампирнинг гоҳ бургут, гоҳ қарға ва гоҳ кантарга айланиши, девнинг сеҳр туфайли ҳачир ёки эшак бўлиб қолиши ёхуд унинг одамларни

[1] Е. М. Мелетинский. Первобытные истоки словесного искусства.— В кн: Ранние формы искусства. М., 1972, стр. 162.

[2] Бу ерда одамлар ёки ҳайвонларнинг бир биологик ҳолатдан иккинчисига ўтиши назарда тутилмоқда.

олма, беҳи ёки соққага айлантириб қўйинига солиб юр-
ши ва ҳоказолар.)

Одам ёки ҳайвонларнинг бундай бир ҳолатдан ик-
кинчисига ўтиши достонларда ҳам кенг қўлланилиб,
кейинчалик ёзма фантастик адабиётга ҳам ўтган. Бу
ерда биз даставвал эртак ва афсоналарда мавжуд
фантастик мотив ва элементларни янгича шаклда ўзига
пойдевор қилиб олган замонавий илмий-фантастик ада-
биётни назарда тутаётирмиз, албатта. Фикримизнинг
далили сифатида рус совет фантастикасининг асосчи-
ларидан бири Александр Беляевнинг «Одам-амфибия»
романини кўрсатишимиз мумкин. Роман қаҳрамони Их-
тиандр худди миф ёки эртаклардагидай бамисоли ярим
одам бўлса, ярим балиқ. У қуруқликка нисбатан кўпроқ
сувда яшай олади. Лекин ёзувчи миф ёки эртаклардаги-
дан фарқли ўлароқ, бу антропоморфик мотивни мантиқий жиҳатдан шундай асослайдики, оқибатда ўқувчи
унга ё чинпа-чин ишонади, ё ишонмаса ҳам умуман
шундай бўлиши мумкинлигини тан олади. Ахир, одам-
нинг ишдан чиққан ўпкаси ўрнига амфибиянинг жабра-
си ўрнатилса, унинг сувда кўпроқ яшашга мойил бўлиб
қолиши кўриниб турган нарса-ку!

Ўзбек фантасти Тоҳир Маликнинг Бахтиёр Хошим-
хўжаев билан ҳамкорликда ёзган «Заҳарли губор» ном-
ли фантастик қиссасида Галвестон кўчаларида даҳшат-
ли бир махлуқ пайдо бўлгани ҳақида гап кетади. Қисса
қаҳрамони уни «панжалар» деб атайди. «Панжалар»
ғаройиб хусусиятга эга: улар гоҳ ўргимчак, гоҳ оддий
темир қўллар, гоҳ ой нурида жилваланаётган кўлнинг
бир бўлаги кўринишини олади. Муаллифларнинг изоҳ-
лашларича, бу — илмий кашфиёт, яъни радиоэлектро-
ника ва радиотўлқинлар иши. Фольклор асарларида
кенг қўлланиладиган эврилиш мотивидан унумли фой-
даланилган замонавий илмий-фантастик асарлардан
мисолларни биз яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

«Илон пари» тўпламига кирган «Гавҳарнисо ёки

зумрадкўз исирға» эртагида биз яна бир қатор қизиқар-
ли фантастик мотивларга дуч келамиз. Эртакнинг
ҳанузгача актуал замонавий руҳини йўқотмагани ҳам
алоҳида эътиборга сазовор. Унинг қисқача сюжети
қуйидагича: чол-кампирнинг бир ўғлию уч қизи бўлади.
Икки катта қизи отасидан бозордан у-бу нарсалар ха-
рид қилишни илтимос қилади. Отаси уларнинг илтимо-
сини бажо келтиради. Кенжа қизи эса, бозордан зум-
радкўз исирға олиб келишни айтади. Чол бозорда
исирғани қидира-қидира, уни Кўҳиқофнинг йўлидаги
Зумрад тоғидангина топиш мумкинлигини билиб қайта-
ди. Хуллас, уни қидириб топгани чолнинг ёлғиз ўғли
Зумрад тоғига отланади. Ўғил тоғдаги девнинг қўлига
тушиб, зиндонбанд бўлади. Уни излаб борган икки
опаси ҳам дев берган қора тошни ялаб ютмаганлиги
сабабли зиндонга тушиб қолишади. Ниҳоят, опалари ва
укасини қидириб узоқ сафарга отланган кенжа қиз —
Гавҳарнисо ўзининг ўта ширинсуханлиги туфайли дев-
нинг қора тулпори билан тил топишишга муваффақ
бўлади. Тулпор ҳам аслида оддий от эмас, балки Фа-
рангистон мамлакати подшосининг ўғли бўлиб чиқади.
У кийик овлаб девнинг маконига келиб қолган ва у
шаҳзодани отга айлантириб қўйган. Ҳозир эса, девнинг
қабиҳ ғомушларини бажариб юрган бўлади. Шаҳзода-
нинг уқтиришича, девнинг жони оддий митти қора тош-
нинг ичида бўлиб, кимки ана шу тошни ялаб ютса, ўша
дарахт, шер, арслон, кийик, олов, қуш ёки сувга айла-
нади ва дев уларни турли ярамас ишларни бажаришга
мажбур қилади.

Гавҳарнисо тулпордан девнинг жони — қора тошни
йўқ қилиш, шу билан девни жонсиз қилиб қўйиш йўли-
ни билиб олади-да, қатъий курашга киришади ва ғала-
бага эришади. Опалари ва бошқа бандиларни озод
қилади, ҳамма мурод-мақсадига етади. Ўзбек халқ эр-
таклари учун бирмунча анъанавий бўлган мазкур эртак
сюжетида уч момент эътиборга моликдир. Биринчидан,

ундан девнинг жони митти қора тошга яширинганлиги одамлар ёки ҳайвонларнинг жони уларнинг жисмидан ажратилган ҳолда алоҳида категория сифатида кўрсатилувчи мифологик тасаввур асосига қурилган бўлса, иккинчидан, дев яшаётган маконнинг орқасидаги оқ тоғдаги мўминё булоғидан олинадиган модда махлуқнинг жони яширинган тошни эритиб юбориши ўн тўққизинчи аср физиклари томонидан кашф қилинган ва ўз-ўзидан емирилиш ҳамда ҳар қандай ўзга моддани парчалаш хоссасига эга бўлган радиоактив элементларни эслатади. Мазкур иккала дастур ҳам эртак муаллифи бўлмиш халқимизнинг тафаккур диапазони ҳам олис ўтмиш, ҳам келажакда юзага келиши мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларни маълум маънода қамраб олганлигини кўрсатади. Эртакнинг ўқувчи эътиборига молик яна бир қирраси унинг маълум маънода замонамиз руҳига ҳамоҳанглигидир.

Маълумки ҳозирги кунда инқирозга юз тутаётган империализм гегемонизм ва жаҳонга мутлоқ ҳоким бўлиш васвасасида ҳар қандай қабиҳ ишлардан тоймаяпти. Биз Улуғ Ватан уруши йилларида фашизм малайларига айланган айрим олимларнинг одамларни итоаткор қулларга айлантириш йўлида бевосита маҳбуслар устида даҳшатли тиббий тажрибалар ўтказганлигини ҳам яхши биламиз. «Гавҳарнисо ёки Зумрадкўз исирга» эртагидаги Қора дев эса, худди ана шундай ёвуз куч тариқасида талқин қилинади. Эртакда ҳикоя қилинишича, дев қора тошни ютган одамнинг «жонини сугуриб олиб, итоаткор махлуққа айлантиради-да, истаган ишини қилдираверади». Бу ерда биз эртакларда кенг тарқалган эврилиш мотивининг ўқувчиларда қабоҳат ва разолатга нисбатан нафрат уйготиш воситаси бўлиб хизмат қилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Бирмунча кўчма маънодаги ана шундай замонавий руҳни биз юқорида номи зикр қилинган «Сеҳрли пичоқ» эртагида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳар қандай улкан илмий кашфиёт икки мақсад, яъни яхшилик ёки ёмонлик йўлида хизмат қилиши мумкин. Масалан, баргина атом энергиясини олсак, у планетамизда бир томондан қирғин ва вайронагарчилик воситаси бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан башарият учун ажойиб ёнилғи, нур ва иссиқлик манбаи тариқасида бениҳоя муҳим аҳамият касб этади. Сеҳрли пичоқ ҳам ана шундай ноёб нарса. Бу — пичоқнинг тилга кириб уста бобога айтган сўзларида аниқ билинади.

— Паққосвойни сақлаб, айтганини қилиб юрдим,— дейди у,— лекин менга тўн ясаб ўзи билан олиб юрмади. Ким нима деса ишонди. Кейин акаларининг қўлига тушдим. Ўзингиз биласиз-ку, кимнинг қўлига тушсам, хизмат қилиш биздан, яхшигаям, ёмонгаям хизмат қиламиз. Яхшиликка ишлатишса — яхшилик келтирамиз, ёмонликка ишлатишса — ёмонлик қиламиз.

Мазкур эртакнинг актуаллиги ҳам, бизнингча, фантастик воситанинг яхшилик ва ёмонликка муносабати орқали намоён бўлади.

У ёки бу эртакдаги замонамиз билан ҳамоҳанглик мотивлари ҳақида гап кетар, экан, «Тилла беҳи» эртаги сюжетидаги айрим моментларни эслаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Маълумки, биз ҳозир одамийлик ва эзгу кучлар билан бирга ёвузлик ва шафқатсизликларга тўла бир оламда яшамоқдамиз. Планетамизнинг қайсидир бурчида инсон ҳуқуқи поймол қилиниб, у билан қулларча муносабат юритилаётган бўлса, бошқа бурчида одамзод бир бурда нонга зор, оч-наҳор ҳаёт кечирмоқда. Сайёрамизнинг бошқа бир нуқтасида ваҳший уруш алангаси ҳамон жавлон ураётган бўлса, яна ўзга нуқтасида жафокаш халқ мустабид ҳукмдорларнинг зулми остида мисли-сиз жабру жафолар чекмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан қаралса, «Тилла беҳи» эртаги персонажларидан бирининг куйиниб айтган сўзлари ҳозирги кунимизга бамисоли ҳамоҳанг жаранглайди:

«Дўсти — кенжа ўғилни икки оёғи кесилган, кўзлари ўйиб ташланган ҳолда кўрган кўк бўри ачиниб тозаям улибди, йиғлабди, тағин йиғлабди, улибди.

— Эҳ, сиз, одамлар, одамлар! Бизни ёмон кўриб ваҳший, қонхўр деб кўринган жойда калтаклаб ўлдирасизлар-у, аммо... Биз уйимиз олдидаги отарга, буни бўри қилган дейди, деб тегмаймиз...

Қадимий мифлар билан боғлиқ олис ўтмиш ҳамда ҳозирги замон учун маълум даражада умумий бўлган фантастик мотив ва элементлар, айниқса, «Маликанинг уч шарти» эртагида бўртиброқ кўринади. Умуман, дўстлик ва биродарлик ҳисси ўзига хос услубда улуғланувчи мазкур эртак сюжети («Чумолилар подшоси: «Бизнинг қўлимиздан келмайдиган иш йўқ бу дунёда. Дарёни бўғамиз десак, бўғамиз. Тоғни қулатамиз десак, қулатамиз. Чунки биз кўпчиликмиз. Бунинг устига жуда аҳил, биродармиз. Умуман, аҳиллик, биродарлик, дўстликда бизга тенг келадигани йўқ», дебди») бошдан-оёқ саёҳат ва саргузашт мотивлари асосига қурилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Аввало ана шу инсонга хос эзгу ва абадий туйғу — дўстлик ва биродарликнинг улуғланиши туфайли ушбу эртак ҳозирги кунимиздагина эмас, балки олис келажак авлодларимиз учун ҳам ҳамиша актуал аҳамият касб этаверади. Кейин «кўпчилик бўлиб тоғни қулатиш» классик ҳамда ҳозирги замон адабиётида ҳам кенг ишлатилувчи гуманистик гоялардандир.

Юқорида номи зикр қилинган эртакда айни пайтда уч бошли аждарҳонинг кўзи тошни ҳам теша олиши ҳақида гап кетади. Аждарҳо кўзининг нурига тоғ эриб сув бўлиб оқиб кетади. У терак бўйи тепаликка қараса, тепа чанг-тўзонга айланади. Аждарҳонинг шундай қудратга эга кўзлари ҳозирги замон фан ва техникасида кенг қўлланилувчи лазер ва мазер нурлари билан ассоциация уйғотади.

Сюжети саёҳат мотиви асосига қурилган эртакларнинг аксариятида қаҳрамонлар олис сафарга отланишаркан, дунёнинг нариги чеккасида жойлашган Кўҳиқоф мамлакати, парилар, жинлар ёки алвастилар юрти, ялмоғиз, мастон, аждар ёки девлар маконига боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишади. Чунки излаган нарсаларини фақат ўша фантастик образлар истиқомат қилувчи жойлардан топишлари мумкин. Илдизлари қадимий мифларга бориб тақалувчи мазкур образлар демонологик характерга эга бўлиб, даврлар ўтиши билан уларнинг хусусиятлари ҳам ўзгара борган. Чунончи, эртакларнинг фаол персонажларидан бири бўлмиш парилар ўзбек мифларида инсонга нисбатан яхшилик ёки ёмонлик қилувчи кучлар сифатида талқин қилинган бўлса, фольклор асарларида буларга қўшимча ҳолда, улар бевосита инсонни севиб қолиши, ҳатто у билан жинсий алоқага кириши ҳам мумкин. Умуман, тадқиқотчилар руҳ, пари ёки инс-жинс образлари билан боғлиқ примитив тасаввурларни уч гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга инсонга нисбатан ёмонлик тимсолигина эмас, балки кўпроқ ҳомийлик қилувчи руҳлар ёки парилар киради. Айни пайтда улар ўз истакларига бўйсундириш ёки бирор қилмишлари учун жазога тортиш мақсадида одамларни касалга чалинтиришлари ҳам мумкинки, бундан қутулишнинг бирдан-бир йўли парларнинг талабларини сўзсиз бажо келтиришдир.

Табиатан инсонга душман бўлган руҳ, пари ёки инс-жинслар иккинчи гуруҳни ташкил қилишади. Одамларнинг яхши-ёмон муносабатларидан қатъи назар улар қулай вазият туғилиши билан одамзодга бирор зарар етказиш — касал ёки ўлимга гирифтор қилиш пайида бўлишади. Уларнинг зараридан қутулиш учун одатда қурбонлик келтириш ёки уларнинг бошқа истакларини бажариш шарт эмас, балки турли йўллар билан уларни ҳайдаш, ҳар хил магик маросимлар воситасида оёқ-қўлларини «боғлаш» лозим бўлади.

Учинчи гуруҳга эса, инсонни севиб қолувчи ва у билан ўзига хос тарзда жинсий алоқага кирувчи парилар ёки алвастилар киради. Бундай пари ёки алвастилар одатда ўз маҳбубаларининг висолига етиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортишмайди ва уларнинг барча илтимосларини сўзсиз ижро қилишади. Характерлиси шундаки, парилар билан жинсий мулоқотга кирган одамзод ҳам у ёки бу воқеани олдиндан башорат қила олиш ёхуд турли маросимлар воситасида ёвуз инс-жинслар ёки руҳларни ҳайдай билиш қобилиятига эга бўлади.

Бундай гуруҳлар, албатта, ибтидоий одамзод жамоаларининг дунёни яхшилар ва ёмонларга бўлиш боисидан келиб чиққан ижтимоий муносабатлари маҳсулидир. «Анқо қуш» эртагининг мазмуни шу жиҳатдан характерлидир. Эртак қаҳрамони Маъмуржон подшонинг йўқолган Анқо қушини излаб хатарли сафарга йўл олади. Бунда у даставвал Гулиқаҳқаҳ парининг онаси ялмогиз кампирга дуч келади. Кампир дастлаб ўта салбий персонаж сифатида талқин қилинади. «Афтангори буришган, пешонаси тиришган, ҳамма билан урушган, бели букчайган, ўзи мукрайган, оғзида ўттиз икки тишидан бирови ҳам қолмай тушиб кетган, соч ўрнида патак, қош ўрнида қотган тук, жағи тушган, оғзи қийшайган, бадбашара, одам бўлиб одамга, жондор бўлиб жондорга ўхшамайдиган бир махлуқ» эди. У ўзгаларга фақат ёмонлик келтириш пайида бўлиб яшайди. «Кампири тушмагур умрбод еб ётаман деб» қанчадан-қанча одамлар, қўю эчки, молу отлар, парандаю дарандалар, арслон, йўлбарс, бўри, тулки, шоқолларни горига қамаб қўйган. Анқо қушни ўғирлаган Темур қароқчидан кампир ҳам аламзада. Чунки қароқчи ўз каллакесар шериклари билан ёнлигида уни ҳам олиб қочган. Шунда кампир унинг чўриларидан бири — гоят гўзал маликани ўғлига олиб бериш ниятида каптарга айлантириб, ўзи қирғий бўлиб қочиб кетишган. Буни билиб қолган Темур қароқчи изига ту-

шиб, кампирнинг ўғлини ўлдириб кетган. Шу-шу ундан қасдини олиш пайида. Маъмуржоннинг жасурлиги ва Темур қароқчини ўлдириб, кампирнинг қасдини олишга бел боғлагани ялмоғизни буткул ижобий образга айлантиради. У горига қамаб қўйган ҳамма бандиларни озод қилиб, барча ёмонликларини ташлайди. Йигитни қизи Гулиқаҳқаҳ парининг ҳузурига бошлаб боради. Гулиқаҳқаҳ онасидан фарқли ўлароқ ижобий қаҳрамонлардан. У Маъмуржонни кўрган заҳоти яхши кўриб қолади ва ўзининг бутун сеҳрини йигитнинг юмушларини бажаришга бағишлайди. У фақат Маъмуржонгагина эмас, балки унинг дўстлари — ҳамроҳларига ҳам ғамхўрлик қилиб, турли ҳалокатлардан сақлаб қолади.

Париларнинг инсонга нисбатан ана шундай ижобий муносабатини биз «Гулуялар билан Қаландарбек» эртагида ҳам кўришимиз мумкин. Хавф-хатарларга тўла саёҳатлар билан боғлиқ мазкур эртакда отасининг булбулигўёни топиш боисидан қатъий илтимосини бажаришга бел боғлаган уч ака-ука уч йўлга — «Борса келмас», «Борса хатар» ва «Борса келар»га отланишади. «Борса келмас»га қараб юрган кенжа ўғил — Қаландарбек даҳшатли Қора дев хизматини қилувчи парилар хордиқ чиқарадиган антиқа бир боққа келиб қолади. Парилар подшосининг қизи Гулуялар шундай гўзал эканки, «таърифлашга оғиз етмасмиш. Ой қоронғиси бўлишига қарамай, юзидан таралган нур ҳаммаёқни сутдай ойдин қилиб юборибди. Қадам босишига ерлар ҳавасда, нафас олишига богдан эсаётган сабо пайваста эмиш. Жамолини кўрган гуллар хижолат бўлиб, очилгани ёпилиб, гунчаси очилмай турган эмиш».

Ана шу пари-пайкар илк кўрганидаёқ Қаландарбекка ошиқу бекарор бўлиб қолади. Йигит ҳам унинг севгиси домига илинади. Шунда Гулуялар, агар ишқингиз чин бўлса, севги машаққатларини енгиб, отамизнинг юртидан бизни топаверинг, дея қирқ канизаги билан бирга каптарга айланиб учиб кетади. Қаландарбек яна

олис сафарга — парилар юртига равона бўлади. Минг машаққатларни енгиб, девлар билан етти кечаю етти кундуз олишиб, охири Гулуяларнинг висолига етади. Гулуялар булбулигўёни олиш учун унга Қашқа девини қўшиб опаси Гулхумор парининг ҳузурига юборади. Опаси йигитни дастлаб девларига айтиб тилка-пора қилдирмоқчи бўлади. Кейин, менга уйлансангиз, булбулигўёни бераман, дейди ва тездан оўзининг устидан чиқади. Лекин Қаландарбек уйланишга розилик бермаганидан кейин уни зиндонга ташлатади. Бундан хабар топган синглиси дарров опасиникига етиб келиб, эрини озодликка чиқаради. Гулхумор пари яна ўз гапида туриб, у менга ҳам эр бўлади, иккаламизга ҳам етади, дейди. «Гулхумор пари кўпроқ парилар орасида бўлиб, одамзод билан кам мулоқот қилган экан. Гулуялар эса, кўпроқ одамзод орасида бўлганидан одамгарчилик, ҳаё, ор-номус нималигини биларкан», опасига куйиб-пишиб, бир эр опа-сингилга раво бўлмаслигини уқдиради. Лекин опаси бари бир кўнмайди, ё эринг иккаламизга эр бўлади, ё уни ўлдиртириб, сени ҳам, ўзимни ҳам эрсиз қолдираман, дейди. Опа-сингилни бу конфликтли вазиятдан Қаландарбек қутқаради, Гулхумор парига мос акаси борлигини айтади.

Кўринадики, ҳар иккала эртакдаги пари образлари асосан одамларга ўхшагани ҳолда, айни пайтда, улардан фарқли ўлароқ, ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳар қандай яхшиликдан ҳам, ёмонликдан ҳам тойинишмайди. Яхшилик ёки ёмонликни сеҳр кучи ёхуд қўл остиларида хизматда бўлган девлари ёрдамида амалга оширишади.

Сеҳр кучи билан эса, парилар истаган жонзодларини хоҳлаган парсаларига айлантира оладилар. Масалан, пари бир сиқим тупроқ олиб, унга алланималарни «куф-суф»лаб ўзи ёки ўзгаларнинг устига сочиб юборса, шу заҳоти илонга ёки бошқа бирор демонологик махлуқотга айланишлари мумкин.

О. А. Сухаревнинг ёзишича, одам қиёфасидаги руҳлар ёки парилардан фарқли ўлароқ, демонологик кўринишдаги париларда ҳеч қандай инсонга хос фазилатлар мавжуд эмас[1]. Бу фикр Ўрта Осиё халқлари мифлари учунгина тааллуқли дейиш мумкин бўлгани ҳолда, ўзбек халқ эртак, афсона ва достонлари персонажларига нисбатан мутлақо тадбиқ этиб бўлмайди. Зотан фольклор асарларидаги демонологик қиёфали парилар фақат ташқи кўринишлари билангина одамлардан фарқ қилганлари ҳолда, аслида худди одамлардек гаплашишлари, фикр юритишлари, маълум манфаатлардан келиб чиқиб, ўзгаларга яхшилик ёки ёмонлик қилишлари мумкин. Эртак, асфона ёки достонларда уларга одамга хос у ёки бу сифатлар берилмас экан, мазкур персонажлар тингловчи ёки китобхон учун ҳеч қандай ижтимоий-ғоявий аҳамият касб этмайди.

Инсон каби фазилатларга эга демонологик пари ёки махлуқотларга эса, биз «Илон пари» тўпламига кирган деярли ҳар бир эртакда дуч келишимиз мумкинки, улар юқоридаги фикримизнинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди.

МЎЪЖИЗАЛАР ЖИЛОСИ

От озиғи билан,
Эртак мағизи билан.

(Халқ мақоли.)

Халқимиз орасида «Уч оғайни ботирлар», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ур тўқмоқ», «Паҳлавон Рустам», «Булбули гўё», «Кенжа ботир» сингари эртакларни жон-дили билан тингламаган, севиб ўқимаган киши топиларми-кин? Йўқ, албатта. Халқимизнинг бундай ажойиб маъ-

[1] Домусульманские верования и обряды в Средней Азии, «Наука», 1975, «Духи-демоны» мақоласи, 29-б.